



MCHJ "Audit Union" AT

Manzil: 220100 Xorazm vil. Yangiariq t Do'stlik MFY Yangi shahar ko'chasi

Tel: 62 228 43 71. Elektron manzil: audit-union@umail.uz

Litsenziya raqami: AF № 00841 16.03.2020y XXTUT: 84400 INN: 306 959 312

X/R: 2020 8000 2051 5519 6001 MFO: 00547 Milliy bank Urganch bo'limi

"Хива универсал савдо комплекс" Акциядорлик Жамият раҳбариятига

Аудиторлик хулосаси

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тўлиқ номи:	"Хива универсал савдо комплекс" Акциядорлик Жамият
Юридик манзил:	Хоразм вилояти Хива шаҳри А. Темур кўчаси 5- уй
Ҳисоб рақами:	2020 8000 0048 4278 6001
МФО:	00811- АТБ "Халқ банк" Хива филиали
ХХТУТ:	68201
СТИР:	301 568 272
Тел:	91 912 89 42

Мен "AUDIT UNION" Аудиторлик ташкилоти МЧЖ томонидан аудитор Болтаев Иномжон Фарход ўғли

Аудиторлик ташкилоти:

Тўлиқ номи:	"AUDIT UNION" AT МЧЖ
Юридик манзил:	Хоразм вилояти, Урганч ш. Шерозий 9 уй тел: +998 62 228 43 71
Ҳисоб рақами:	2020 8000 2051 5519 6001
МФО:	00547 Миллий банк Урганч бўлими
ХХТУТ:	69202
СТИР:	306 959 312
Давлат реестрига киритилганлиги:	Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматлари жамиятидан Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига 2019 йил 20 декабрда 790271 сонли рўйхат рақамли ёзув киритилган Гувоҳнома
Лицензия:	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2020 йил 16 мартда берилган Серия АФ № 00841 сонли Лицензия
Суғурта полиси:	АЖ "O'zbekinvest" Эҳспорт-Импорт суғурта компанияси томонидан 2022 йил 5 апрелда берилган 547860 сонли суғурта полиси
Аудитор:	И.Ф. Болтаев Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 сентябрда берилган 05624 сонли аудитор малака сертификати
Асос:	Шартнома № 01-27-23 санаси 15.04.2023 й.
Хулоса тузулган сана	25.05.2023 йил

Аудитор

И. Болтаев

хисобот асосий операциялар ҳамда ҳоисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз жамият раҳбарияти билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида муҳокама қиламиз.

Биз шунингдек, жамият раҳбарияти аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлокий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз жамият раҳбариятига хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган ҳулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Мустақил аудит ўтказган аудитор

И.Болтаев

“AUDIT UNION” АТ МЧЖ аудиторлик
ташкилоти раҳбари



Б.Рахимов

Фикр

“Хива универсал савдо комплекси” Аксиядорлик жамиятининг 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 ҳолатига бўлган даври учун молиявий ҳолат тўғрисидаги 20.02.2023 йилда тасдиқланган Бухгалтерия баланси ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисидаги 20.02.2023 йилда тасдиқланган Молиявий натижалар ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар “Хива универсал савдо комплекси” Аксиядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижалари барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тўғри ва ҳаққоний тасаввур беради.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профessional бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги” қонунга, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг муҳим масалалари

Аудитнинг муҳим масалалари - ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.


Молиявий ҳисобот учун раҳбарият жавобгарлиги

Раҳбарият Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларга мувофиқ ҳаққоний ва ишончли тақдим этилган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгардир, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Жамият раҳбарияти корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Аудитор



И.Болтаев

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХСларга мувофик ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олиш имкониятига эга эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофик аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далиллари асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошқор қилилишини ва молиявий